



ТЕРМИН ЯСАЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Фатуллаева Камола Рахматуллаевна

*Бухоро давлат университети, Факультетлараро
чет тиллар кафедраси ўқитувчиси, Бухоро, Ўзбекистон
(kfatullayeva@mail.ru)*

Аннотация: Ушбу мақолада терминологиянинг таркибий хусусиятларини кўриб чиқишда кўпинча терминологик бирликнинг шаклига, яъни морфологик тузилишига эътибор берилган. Ҳар қандай терминологик соҳанинг тили терминларни бир хилда ясаш усулларига эга. Буларга морфологик, синтактик ва семантик усуллар киради. Шу муносабат билан эпонимлар ва ўзлашма сўзларнинг катта аҳамиятини ҳам қайд этиши мумкин. Ўзбек тилининг тиббий терминологияси энг мураккаб терминологик тизимлардан биридир.

Калит сўзлар: терминология, лисоний ва нолисоний, фразеологизмли терминлар, редупликат терминлар, аглютинацияланган терминлар, кўпкомпонентли терминлар, занжирсимон терминлар

Бирор терминологиянинг таркибий хусусиятларига мурожаат қилиниши ушбу қуйи тил доирасидаги мавжуд муаммоларни аниқлашни тақозо этади. Терминологиянинг таркибий хусусиятларини кўриб чиқишда кўпинча терминологик бирликнинг шаклига, яъни морфологик тузилишига эътибор берилади.

В.П. Даниленконинг таснифига кўра, терминлар лисоний ва нолисоний турларга бўлинади. Лисоний терминларга:

1. Термин-сўзлар: а) туб шаклидаги б) ясама шаклидаги; в) қўшма шаклидаги; г) қисқартмалар киради.

2. Бирикмали терминлар: а) эркин бирикмалар; б) эркин бўлмаган бирикмалар; в) фразеологизмли терминлар.

3. Жумлалар терминлар.

Нолисоний воситаларга

- белгилар;
- график тимсоллар;
- рақамлар киради[1].

Уларнинг шакли бўйича жуда батафсил таснифни Т. Н. Винокурова ўзининг «Структурные особенности терминологии искусственного интеллекта в английском языке», яъни "Инглиз тилидаги сунъий интеллект терминологиясининг таркибий хусусиятлари" мақоласида берган.

1. Термин-сўзлар - бир сўзли терминлар, улар

* ўзакли;

* аффиксал:



* қўшма бўлади, улар, ўз навбатида, редуликат терминлар ва рамзли сўзли терминлар, аглютинацияланган терминлар ва сўз модели терминлар, кўпкомпонентли терминлар ва занжирсимон терминларга бўлинади.

2. Бирикмали терминлар қуйидагиларга бўлинади:

* икки сўзли;

* уч сўзли;

* кўп сўзли.

3. Жумлалар терминлар[2]. Л. В. Дубенкова ва Л. М. Апухтина тўпланган лингвистик тажрибани умумлаштириб, термин шаклланишининг қуйидагича таснифини беришади:

1. Морфологик сўз яшаш усули (сўзларни қўшиш, қисқартма).

2. Синтактик сўз яшаш усули - бу бир нечта лексемалардан бирикмалар ва жумлаларни шакллантириш демакдир.

3. Семантик сўз яшаш усули - умумистеъмолдаги сўзларнинг маъносини торайтириш ёки аниқлаштириш; аввалги маънонинг метонимик ёки метафорик қўчирилиши.

4. Бошқа тиллардан сўзларни ўзлаштириш[3].

Е.В. Смирнованинг фикрига кўра, инглиз тилидаги тиббий терминологияни шакллантиришнинг энг самарали усуллари - бу:

- сўзларни қўшиш ёки негизларни қўшиш. Турли грек ёки латин компонентлари негиз сифатида қўлланиши мумкин (масалан, phobia, -mania -фобия, -мания);

- латин ва грек суффикслари ва префикслари ёрдамида аффиксация (масалан, -dis, -in, -anti; -ion, -er, ity /-дис, -ин, -анти; -ион, -ер, итий);

- тиббиётдаги ҳодисани маълум предметга ўхшаш тарзда тасвирлаш учун метафоралардан фойдаланиш (масалан, kidney stones, elephant leg, drumstick finers - буйрак тошлари, фил оёғи, барабан таёқчалари);

- қисқартма (ОИТС- орттирилган иммун танқислик синдроми, УЗИ- ультратовуш текшируви, LBP -бел оғриғи).

- эллипсис - бирикманинг таркибий қисмларидан бирининг етишмаслиги (spinal cord - "cord", gastric ulcer - "gastric" - орқа мия - "шнур", ошқозон яраси - "ошқозон").

- эпонимлар - бу биринчи компоненти атоқли от бўлган сўзлар (Abderhalden-Kaufmann-Lignac syndrome, Blau syndrome, Parkinson's Disease / Блау синдроми, Паркинсон касаллиги)[4].

Ҳар қандай терминологик соҳанинг тили терминларни бир хилда яшаш усулларига эга. Буларга морфологик, синтактик ва семантик усуллар киради. Шу муносабат билан эпонимлар ва ўзлашма сўзларнинг катта аҳамиятини ҳам қайд этиш мумкин.

Ўзбек тилининг тиббий терминологияси энг мураккаб терминологик тизимлардан биридир. Олимлар томонидан тиббиёт терминлари структур-семантик жиҳатлари тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилади.



□ Содда терминлар;

□ Ясама терминлар;

□ Бирикмали терминлар;

□ Қўшма терминлар.

□ Содда терминлар: Masern (қизамиқ) – иситма ва одатдаги тери тошмаси билан нафас йўлларида инфекцияси билан касалланишдир;

Roteln (қизилча) – одатда қизил тошма, кўпинча иситма ва лимфа безлари шиши жараёнидир;

Rachitis (рахит) – касаллик давомида суяк тўқимаси ва тишлар ҳосил бўлиш жараёни бузилади. Шунингдек, суяк минерализацияси етишмовчилиги ривожланади.

□ Ясама терминлар: Einlauf (клизма) термини ein олд қўшимчаси ва laufen “югурмоқ” сўзларидан келиб чиққан.

□ Бирикмали терминлар: Weise blutkörperchen термини weise “оқ” blutkörperchen “қон хужайралари” сўзларидан келиб чиққан.

□ Қўшма терминлар: Blutarmut – бу термин (камқонлик) маъносини билдириб, от+от компонентларидан ташкил топган бўлиб, blut (қон) armut (камбағаллик) сўзларидан ташкил топган. Gelbsucht термини гепатит маъносини билдириб, сифат+от (А+N) сўз туркумларидан ташкил топган бўлиб, яъни gelb (сарик), sucht (қарамлик, ҳаддан ташқари мойиллик) маъносини англатиб келади. Биринчи сўзимиз gelb сифат сўз туркумига оид (маъно гуруҳига кўра) ранг-тус, тузилишига кўра содда, даража категориясига кўра оддий, иккинчи сўзимиз sucht бош келишида, бирлик, турдош оти, аниқ, содда от.

Keuchhusten термини кўк йўтал маъносини билдириб, от + феъл (N+V) сўз туркумларидан ташкил топган. Der Keuch (шилимиш), husten (йўталмоқ) маъносини англатиб келади. Биринчи сўз Der Keuch (келишик категориясига кўра) бош келишик, (сон категориясига кўра) бирлик (маъно жиҳатдан) турдош от, (қандай тушунча ифодалашга кўра) аниқ от, (тузилиш жиҳатдан) содда от. Иккинчи компонент husten сўзи феъл сўз туркумига оид инфинитив шаклда қўлланилган бирликдир.

Мулоқотнинг соҳавий терминларида коммуникацияни таъминлайдиган лисоний воситаларнинг ривожланиш тенденцияси шубҳасиз сақланиб қолади, чунки терминлар фан ва техниканинг ривожланишида, инсон фаолиятининг ижтимоий соҳасига доимий равишда ҳамроҳ бўлиб келган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Даниленко В.П. Русская терминология: Опыт лингвистического описания / В.П. Даниленко. – М., 1977. – 312 с. – С.8
2. Винокурова Т.Н. Структурные особенности терминологии искусственного интеллекта в английском языке / Т.Н. Винокурова // Международный



научно-исследовательский журнал. Филологические науки. – 2016. – № 10 (52). – Ч. 3. – С. 14–23.

3. Смирнова Е.В. Способы образования новых терминов в языке медицины / Е.В. Смирнова // Вестник гуманитарного факультета ИГХТУ. – 2009. – Вып. 4. – С. 287–289.

4. Даниленко В.П. Русская терминология: Опыт лингвистического описания / В.П. Даниленко. – М., 1977. – 312 с. – С.8

5. ФАТУЛЛАЕВА К. “ТЕРМИНШУНОСЛИК”, “ТЕРМИНОЛОГИЯ” ВА “ТЕРМИН” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ //Journal of Research and Innovation. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 48-52.

6. Фатуллаева К. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА СОҲАГА ОИД ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ //Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 18-20.

7. Фатуллаева К. TIBBIY BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK MUNOSABATLARI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 36. – №. 36.

8. Rahmatullayevna, Fatullayeva Kamola. "Empowering Language Skills through Modern Methods." Middle European Scientific Bulletin 18 (2021): 253-258.

9. Fatullayeva K. TIBBIYOTDA ATAMALARNING MA'NODOSHLARI XUSUSIDA //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 58-61.

10. Kadirovna, Abuzalova Mekhriniso, and Fatullayeva Kamola Rakhmatullayevna. "The Meaning of Terms in Medicine." International Journal of Alternative and Contemporary Therapy 1.2 (2023): 18-20.

11. Фатуллаева, Камола. "TIBBIY BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK MUNOSABATLARI." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 36.36 (2023).

12. Фатуллаева, Камола. "ТЕРМИНЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ ТАСНИФИ." Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. 3.8 (2023).

13. Khamzaev S.A., Gilyazetdinov E.Z., Sultonova N.A., Samanova Sh.B., Sodiqov T.U. 2020. The Problem of Using Borrowed Words in The Uzbek Language. Solid State Technology, Volume: 63, Issue 6,– p. 8326–8335.

14. The Image of Disease in Edgar Allan Poe’s “The Masque of the Red Death”
BM Akhmedovna, B Shakhnoza - Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 2022

15. Bakhronova M.A, & Bekmurodova Sabina. (2023, March 29). THE VALUE OF LIFE IN THE SHORT STORY "THE LAST LEAF" BY O'HENRY. THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS, Warsaw, (Poland). <https://doi.org/10.5281/zenodo.7830248>



16. Baxronova Matluba Axmedovna. (2022). BADIY ASARLARGA KO'CHGAN HAYOT SABOQLARI. Conferencea, 401–404. Retrieved from <https://conferencea.org/index.php/conferences/article/view/640>
17. 9. Bakhronova , M. A., & Sayfullayeva , M. (2022). DICTATION AS LANGUAGE LEARNING TOOL . Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования, 2(17), 252–258. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/zdpp/article/view/1812>
18. 10. Uraeva Darmon Saidakhmedovna, and Bakhronova Matluba Akhmedovna. “THE USAGE OF DISEASE NAMES IN LITERATURE AND THEIR DERIVATION”. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, vol. 12, no. 06, June 2023, pp. 21-24, <http://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/1799>.